БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши. № 18 (4524). 27 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА. 1971 ЙИЛ. Баҳоси 2 тийин.

БОҒДОРЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимларининг мева ва узумнинг янги юқори ҳосилли навларини яратиш ва жорий этиш, боғдорчилик ва узумчиликнинг бошқа энг муҳим проблемалари бўйича 1971—1975 йилларда тадқиқот ишларини кучайтириш юзасидан КПСС XXIV съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари зиммасига ҳар бир илмий-тадқиқот муассасасининг 1971—1975 йиллардаги конкрет вазифаларини белгилаб олишда олимларга ёрдам бериш мажбурияти юкланди.

Қарорда фаннинг колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши билан алоқасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Область ва район партия комитетларига қишлоқ хўжалик илмий муассасаларининг фаолияти устидан назоратни кучайтириш, илмий-тадқиқот планларини ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришда уларга кундалик ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди.

Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ходимларининг 1971–1975 йилларга олган СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Бутун совет халқи ўз мамлакати билан ғоят фахрланиш ҳис-туйғуларига тўлган ҳолда тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилига қадам қўйиб ва социалистик мусобақанинг ленинча эстафетасини давом эттириб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқда.

Коммунистик партия бу беш йилликда қишлоқ хўжалиги ходимлари, қишлоқ хўжалик фани олдига катта вазифаларни қўймоқда. Қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини янада ривожлантириш, пахта, дон, гўшт, сут, сабзавот, мева ва узум етиштиришни янада кўпайтиришнинг янги марраларини эгаллашимиз лозим.

Биз, Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходимлари, мутахассислари, ишчи ва хизматчилари фанни ривожлантиришда, уни бевосита социалистик жамият ишлаб чиқарувчи кучига айлантириш, боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантиришга актив таъсирини кучайтириш, Ўзбекистон шаҳарлари ва областлари аҳолиси учун, Совет Иттифоқининг бошқа қардош республикаларидаги меҳнаткаш биродарларимиз учун мева ва узум мўл-кўлчилигини яратиш йўлидаги бурчимизни чуқур тушунамиз.

КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, республиканинг қишлоқ хўжалигини ва қишлоқ хўжалик фанини янада ривожлантириш, уни интенсивлаштиришни кучайтириш ишига муносиб ҳисса қўшишга интилиб, мавжуд ички ресурслар ва резервларни чамалаб кўриб, институт ходимлари, унинг илмий-тадқиқот муассасалари, мевали дарахтлар кўчати етиштирувчи совхозлар, ўқув юртлари 1971—1975 йиллар учун зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдилар:

— илмий тадқиқотларни кенгайтирган ва чуқурлаштирган ҳолда диққат-эътиборни боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, мева ва узум етиштиришни интенсивлаштириш, улар сортини такомиллаштириш, боғдорчилик ва узумчиликни тоғ-адир зоналарига, янги суғориладиган ва ўзлаштириладиган районларга кўчиришни асослаб бериш, институт олимларининг ишлаб чиқариш билан алоқасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, фан ютуқларини колхоз ва совхозларда жорий қилишни тезлаштиришнинг асосий проблемаларини тезроқ ҳал этишга қаратиш:

— юқори ҳосилдорлиги, чидамлилиги, мазалилиги, яхши технология товари сифатидаги хусусиятлари, узоқ муддат туриши ва транспортировка қилишга қулайлиги билан ажралиб турадиган мева ва узумнинг саккизта янги навини яратиб, давлат нав синовига топшириш;

— мева ва узумни зараркунандалардан ва касалликлардан сақлашнинг мавжуд системасини такомиллаштириш ҳамда унинг рационал методларини ишлаб чиқиш, бунда сунъий ва биологик усулларда қўлланиш. Бу методларда мева ва узум маҳсулотларида зараркунандаларнинг миқдорини энг кўп даражада камайтиришга, заҳарли химикатларни 20-25 процент тежаб, меҳнат сарфини 15-20 процент камайтириш мумкин бўлади:

— боғ ва тутзорларга ажратилган ҳар гектар ердан тўла фойдаланишга биринчи даражали эътибор бериб, боғлар ташкил қилишнинг прогрессив технологиясини ишлаб чиқиш, уч-тўрт йилдаёқ мевага кириб, мавжуд боғлардагига нисбатан 2-3 баравар ортиқ ҳосил берадиган интенсив типдаги боғлар ташкил этишга эришиш, бундай боғларга кўплаб кўчат етказиб бериш;

— меҳнат унумдорлигини ошириш ва сувдан рационал фойдаланиш мақсадида сувни 20 процент тежайдиган ҳамда тупроқни ишлашга ва суғоришга кетадиган ҳаражатларни икки баравар камайтирадиган янги прогрессив усулларни ишлаб чиқиб, жорий қилишга топшириш:

— суғориладиган деҳқончилик шароитида токзорларни зангларaро ва сўрилар бўйлаб парвариш қилиш технологиясини ишлаб чиқиб, жорий этишга топшириш, бу билан ҳар гектар боғ ва токзорда меҳнат сарфини 70 киши-соатга камайтириш

— республикада қуруқ мева базасини янада ривожлантириш, қайта ишланадиган мева ва узум маҳсулотлари сифатини яхшилаш, шунингдек, етиштириладиган мева ва узум ҳосилидан тўла фойдаланишнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, мева ва узумни қуритишнинг механизациялашган-поток технологиясини ишлаб чиқиб, жорий этишга топшириш; бунда қуритиш жараёни тўрт баравар қисқартирилиб, мева ва магизни қиш фаслида сақлашнинг оптимал режимлари ва энг яхши усулларини қўлланиш мумкин бўлади;

— мева шарбатлари, гренадина узум виноси тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. Ишлаб чиқаришга жорий этиш учун таркибидаги спирт озайтирилган янги уч хил винони тайёрлаш:

— турли мақсадлар учун фойдаланиладиган узумнинг йирик ва уруғсиз навларини яратиш методикасини ишлаб чиқиш:

— боғдорчилик, узумчилик хўжаликларини ривожлантиришни планлаштиришнинг методологияси асослари ва методикасини ишлаб чиқиш;

— институтнинг нашриёт фаолиятини яхшилаб, институтнинг боғдорчилик ва узумчиликнинг актуал проблемалари бўйича кўп йиллик тадқиқотларини умумлаштириб берувчи 7-8 та монографияни нашрга тайёрлаш;

— ўқув жараёнини янада такомиллаштириш ва яхшилашни давом эттириб, уни ишлаб чиқаришнинг кундалик эҳтиёжларига яқинлаштира бориб, назарий билимларни экспериментал базаларда амалий малакалар билан мустаҳкамлаб, малакани ошириш бир йиллик мактабларида боғдорчилик-узумчилик колхоз ва совхозларнинг 600 бригадирини ўқитиш. институтнинг совхоз-техникумида эса республиканинг боғдорчилик ва узумчилик учун ўрта малакадаги 500 дан кўпроқ агроном ва механизаторларини айни пайтда уларга тракторчи, шофёр ва бошқа яқин касбларни бериш йўли билан ўқитиш:

— ишлаб чиқаришга мева ва узумнинг энг яхши навларини, институтда яратилган ва ажратиб олинган янги навларни жорий этиш мақсадида ҳар йили институтнинг мева кўчатлари етиштирадиган совхозларида ва илмий муассасаларнинг экспериментал базаларида колхозлар, совхозлар ва республиканинг бошқа хўжаликлари учун 17-18 миллион юқори сифатли мевали, ёнғоқ, субтропик ва ток кўчатлари, гул ва манзарали кўчатлар етиштиришни таъминлаш. шу тариқа республиканинг ҳамма хўжаликларини кўчат билан тўла таъминлаш, республикамизни яшнаб турган боғлар, узумзорлар, гулзорлар билан безашга ёрдамлашиш.

Кўчатларнинг навини ва сифатини янада яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар кўрилади.

Боғ ва токзорларни тоғ ва унинг этаклари зоналаридаги, Қарши чўлидаги, Мирзачўлдаги, Шеробод массивидаги, Марказий Фарғонадаги янги ўзлаштирилган районларга кўчиришнинг катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, мазкур колхозлар ва совхозларга боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришда доимий амалий ёрдам кўрсатиш, бу зоналарда иқтисодий самарадорликни ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигини энг кўп даражада интенсивлаштириш мақсадида муттасил ёрдам бериб туриш;

— партиянинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш мақсадида институт, унинг филиаллари ва тажриба станцияларида илмий ходимларнинг иштироки билан ҳар бир областда катта массивларда энг яхши мева навларидан КПСС XXIV съезди номли намунали боғ ва токзорлар ташкил этилади;

— боғдорчилик ва узумчиликдаги фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг пропаганда қилиш мақсадида ҳар йили республика областларида колхоз-совхоз ишлаб чиқаришининг мутахассислари учун курслар ва семинарлар ташкил этиш, уларга 1200-1500 кишини жалб қилиш, боғдорчилик ва узумчилик масалалари бўйича лекция ва консультациялар ўтказиш.

Ҳар йили камида 20-30 варақа, плакат, оммабоп брошюралар чиқариб, уларда боғ ва токзорларни ишлашнинг прогрессив методларини ҳикоя қилиб бериш:

— институтнинг экспериментал хўжаликлари кўрсаткичларини, ишлаб чиқариш рентабеллигини яхшилаб ва ошира бориб, жамғармалар ва ички резервларни ишга солиш ҳисобига институтнинг илмий ходимлари, ишчилари ва хизматчилари маданий-маиший шароитини янада яхшилаш мақсадида уй-жой фонди, мактаблар, болалар муассасалари, клублар ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилишини амалга ошириш.

Шунингдек, институт олимлари узумчилик ва боғдорчиликнинг актуал масалалари бўйича, боғдорчилик ва узумчилик хўжалигида илмий-техника тараққиёти прогнозларини ишлаб чиқиш бўйича қидирув ва назарий тадқиқотларни кенгайтирадилар ва бу ишни чуқурлаштирадилар, илмий ишларининг методологик ва методик савиясини оширадилар. Ўзбекистонда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришнинг барча амалий масалаларининг ҳал этишда фаол қатнашадилар.

Институт коллективи олинган социалистик мажбуриятларни бажариш зўр уюшқоқлик ва фидокорона меҳнатни, юксак масъулиятни ва коллектив ҳар бир аъзосининг бутун куч-қувватини тўла сафарбар этишни талаб қилишини яхши билади.

Жонажон Ленин партияси теварагига маҳкам жипслашган институт коллективи улуғ Ватанимиз бахт-саодати йўлида илҳом билан меҳнат қилиб, ўз олдига қўйилган вазифаларни ва олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаради.

МАЖБУРИЯТ Р. Р. ШРЕДЕР НОМЛИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

26 январда Тошкентда республика партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш ишида область партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, область партия комитетларининг бўлим мудирлари, область ва шаҳар комитетларининг секретарлари, касаба союз органларининг ходимлари, саноат, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг ходимлари қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов очди.

Саноат корхоналари, транспорт, алоқа, қурилиш, монтаж ва лойиҳа ташкилотлари коллективлари 1970 йилги социалистик мажбуриятларини бажариш якунлари, янги беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан олдин бажариш ҳамда КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифалар тўғрисида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди. У айтдики, республика саноат меҳнатчилари КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошира бориб, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, ўзларининг социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Беш йиллик мобайнида Ўзбекистонда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш анча кўпайди.

Ўтган беш йиллик саноат ва транспорт корхоналарини янгича планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш системасига тайёрлаш ва ўтказишнинг муҳим босқичи бўлди. Ҳозир 850 та саноат корхонаси, бутун транспорт, алоқа корхоналари хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишламоқда. Янги системага кўчирилган корхоналар бутун саноат маҳсулотининг 60 процентга яқинини реализация қилмоқда, жами фойданинг 90 процентдан кўпроғини бермоқда.

Энергетика қувватлари янада кўпайтирилганлиги, электр линиялари тармоғи кенгайтирилганлиги беш йиллик мобайнида саноатни ривожлантиришнинг энг муҳим якуни бўлди. Ўзбекистоннинг ягона энергетика системасини вужудга келтириш ва республика халқ хўжалигини ёппасига электрлаштириш асосан тугалланди. Химия маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳам кўпайди. Ҳозир республика саноати қишлоқ хўжалигининг азотли ўғитларга бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис таъминламоқда. Комплекс ривожлантириш асосида ўтган беш йиллик мобайнида республикада бир қанча янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Улар орасида олтин қазиб олиш, кон-металлургия тармоғи, химиявий тола ишлаб чиқариш ва бошқалар бор.

Бинокорлар ўтган беш йиллик мобайнида республика экономикасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Улар 70 та янги корхона ва йирик цех қурдилар, шулардан 33 таси 1970 юбилей йилида қуриб битказилди. Транспорт ва алоқа корхоналарининг коллективлари яхши меҳнат қилдилар.

Республика саноат қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ишида бир қанча камчиликлар борлиги докладда ва йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида таъкидлаб ўтилди, шу камчиликларни йўқотиш йўллари белгиланди. Ҳамма корхоналар ҳам ишлаб чиқариш резервларини тўла-тўкис қидириб топаётганлари ва ундан фойдаланаётганлари йўқ, ўзларининг план топшириқларини бажараётганлари йўқ.

Янги беш йилликнинг биринчи йилида республика саноати, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарининг меҳнатчилари КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, съезд олди меҳнат вахтасида янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. П. Дудин, пахта тозалаш саноати министри М. И. Иброҳимов, Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари И. К. Ҳусниддинов, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. И. Иброҳимов, Хоразм область партия комитетининг иккинчи секретари И. .П Дрижак, Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг ўринбосари Я. В. Баҳолдин, «Қаршистрой» партия комитетининг секретари Б. О. Овезов, Самарқанд область партия комитетининг секретари К. М. Камолов, Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг тикувчиси Д. Абдусатторова, «Главташкентстрой» бошлиғи В. Н. Маркин, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. А. Юриц, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри С Мамарасулов, Сирдарё область партия комитетининг секретари Р. С. Қосимов, «Узколхозстрой» республика бирлашмасининг раиси С. А. Омеров, Андижон область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Поветко, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрининг биринчи ўринбосари Н. Я. Чумаков, Фарғона шаҳридаги 8-қурилиш трестининг бошқарувчиси А. С. Алтухов сўзга чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон ССР саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш коллективлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг 1971 йилги социалистик мажбуриятларини қабул қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Қурбонов, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, М. А. Абдураззоқов, М Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Тошкент тўқимачилик комбинатининг аҳил коллективи КПСС XXIV съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, кундалик топшириқларни ортиғи билан адо этишга ҳаракат қилаяпти. Айниқса, гул босиш цехи ишчилари бу соҳада олдинги ўринларда келмоқдалар. Суратда: цех ишчиларидан Фарида Нуралиева ва Абдувоҳид Мирзаев ўртоқлар гул босилаётган газлама сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. ГЛАУБЕРЗОН, В. СИРОТКИН фотоси.

БЕКОБОДЛИКЛАР ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИШДИ

Бекобод шаҳар меҳнаткашлари Москвадаги Ленин комсомоли номли автомобиль заводи коллективининг 1971 йилнинг 17 апрелида коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон металлургия заводининг мартен ва прокат цехларида митинглар бўлиб ўтди. Уларда 1356 металлург иштирок этди. Митингда сўзга чиққан ишчи-хизматчилар автомобилсозларнинг ташаббусини маъқуллаб гапирдилар.

— Мартен цехимиз,— деди пўлат эритувчи Н. Круглов,— кўп йиллардан бери коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни оқлаб келмоқда. Ишлаб чиқариш планларини ҳар ой, йил сайин ортиғи билан адо этяпти. Биз бутун бригадамиз билан 17 апрелда коммунистик шанбаликка чиқамиз. Шу куни пўлатни тезкорлик билан эритишга сўз берамиз ва тушган маблағни янги беш йиллик фондига қўшамиз. Барча пўлат эритувчилар ҳам бу ташаббусга қўшиладилар деб қатъий ишонч билдираман.

Прокат цехи оператори Қ. Аҳмедова, вольцовкачилардан Н. Бурмистров, Н. Конов, Н. Найдов ва бошқалар москваликларнинг ташаббусини қизғин маъқулладилар.

Қабул қилинган қарорда бутун коллектив худди бир кишидек коммунистик шанбаликда иштирок этади ва шу куни ишланган маблағ тўққизинчи беш йиллик фондига берилади, деб қайд этилади.

Худди шундай митинглар цемент комбинатида ҳам бўлиб ўтди.

— Ҳаммани шанбаликда актив иштирок этишга чақираман, —деди митингларнинг бирида сўзга чиққан айланувчи печь машинисти З. Мусаев.— Биз беш йиллик фондига бошқа коллективлар сингари минглаб сўм маблағ бермоғимиз лозим.

«Цемремонт» корхонасида бўлиб ўтган митингда деярлик бутун коллектив — 540 киши иштирок этди. Токарь Ф. Охунов ўз сўзида бундай деди;

— Мен 1975 йил ҳисобига меҳнат қиляпман. Партия XXIV съездининг иши давом этаётган кунларда тежаб қолинган материаллар асосида ишлайман. Шанбаликда ҳам яхши ишлашга ваъда бераман.

Корхона коллективи шанбаликда 3 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, 2 минг сўмлик нестандарт асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ва 8 минг сўмлик капитал ремонт ишларини амалга ошириш мажбуриятини олди. Тушган барча маблағ беш йиллик фондига берилади.

Темир-бетон буюмлари комбинати коллективи шанбаликда 2 минг кубометр темир-бетон буюмлари, бир минг кубометр инерт материаллари — ҳаммаси бўлиб 9 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди.

Шундай митинглар пахта тозалаш, нон-булка, ғишт заводларида, Фарҳод ГЭСида ва шаҳарнинг бошқа корхоналари ҳамда ташкилотларида ҳам бўлиб ўтди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ РАҲБАР АРБОБЛАРИНИНГ ДЎСТОНА ВИЗИТИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин ва КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев 1971 йил 25 январда КПСС Марказий Комитетида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Гусак, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. Биляк билан учрашдилар.

Учрашув вақтида КПСС билан Чехословакия Коммунистик партияси, СССР билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстона алоқа ва қардошларча ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Томонлар социалистик ва коммунистик қурилиш қандай бораётганлиги тўғрисида бирбирларига ахборот беришди. Совет раҳбарлари беш йиллик план бажарилишининг дастлабки якунлари ва янги беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида сўзлаб беришди. КПСС-нинг XXIV съездига тайёргарлик ва шу муносабат билан меҳнаткашларнинг съездни меҳнат соҳасида юксак кўрсаткичлар билан кутиб олиш ҳаракати ривожланиб кетганлигига алоҳида эътибор берилди.

Чехословакиялик ўртоқлар Чехословакия Коммунистик партиясининг мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга қаратилган йўли муваффақиятли суратда амалга оширилаётганлиги ҳақида гапирдилар. Улар мамнуният билан шуни қайд қилдиларки, коммунистлар, меҳнаткашлар оммаси Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг декабрь пленуми қабул қилган ҳужжатлар, жумладан, «ЧКП XIII съездидан кейин Чехословакия Компартияси ва жамиятидаги кризисли ривожланиш сабоқлари» деган ҳужжатни кенг маъқулладилар ва қўллаб-қувватладилар. Чехословакия раҳбарлари Чехословакия Коммунистик партиясининг 50 йиллиги шарафига мамлакат корхоналарида меҳнат-ғайрати ўсганлиги тўғрисида, мусобақа авж олиб кетганлиги тўғрисида ахборот бердилар.

Халқаро проблемаларни муҳокама қилиш вақтида Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикасининг Германия Федератив Республикаси билан тузган шартномалари Европада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун катта аҳамиятга эга эканлиги яна уқдириб ўтилди. Томонлар Мюнхен битими аввал бошданоқ ҳеч қандай кучга эга эмас ва бу битимдан келиб чиқадиган натижалар ҳам ўз аҳамиятини тамомила йўқотиб қўйди, деб эътироф қилганликларини таъкидладилар.

Совет ва чехословак раҳбар арбобларининг дўстлик, самимият ва қардошларча ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган учрашуви муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Чехословакия ва Совет Иттифоқининг қарашлари ҳамда позициялари тамомила бир хил эканлигини намойиш қилди.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси дўстлик визити билан Москвага келган Чехословакия раҳбар арбоблари шарафига 25 январда Катта Кремль саройида зиёфат берди.

* * *

Г. Гусак, Л. Штроугал ва В. Биляк ўртоқлар ўша куниёқ ватанларига жўнаб кетишди.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ВА ПАРТИЯ ЎҚИШИ ТАЖРИБАСИДАН

КПССНИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ ВА ФАН-ТЕХНИКА РЕВОЛЮЦИЯСИ

1971 йил март ойидан бошлаб марксизм-ленинизм мактабларида «КПССнинг иқтисодий сиёсати ва ҳозирги замон фан-техника революцияси» проблемаси юзасидан 5—6 машғулот ўтказиш тавсия этилади. Шу муносабат билан партия комитетлари январь — февраль ойларида пропагандистларнинг икки кунлик район семинарларини ўтказишлари керак. Ушбу семинарларда қуйидаги мавзуларни кўриб чиқиш мақбул:

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш—иқтисодий тараққиётнинг асосий проблемаси.

2. Ҳозирги замон фан-техника революцияси. Социализм шароитида фан-техника революциясининг иқтисодий ва ижтимоий проблемалари.

3. Ҳозирги босқичда хўжалик ҳисобини ва иқтисодий тежаш режимини мустаҳкамлаш.

4. Халқ хўжалигига планли раҳбарлик қилишни ва уни бошқаришни такомиллаштириш.

ПРОПАГАНДИСТ ВА АГИТАТОРЛАРГА ЁРДАМ

Пропагандистлар семинари муҳокамасига КПССнинг иқтисодий сиёсати ва ҳозирги замон фан-техника революцияси проблемаларига тааллуқли бошқа мавзулар ҳам қўйилиши мумкин. Энг муҳими шундаки, қараб чиқиладиган проблемалар комплекси партиянинг иқтисодий сиёсати хўжалик тараққиётидаги муваффақиятларга қандай қилиб ёрдам бераётганлигини, фан-техника революцияси эришган муваффақиятларни халқ хўжалигига қандай хизмат қилдираётганлигини, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун, халқ фаровонлигини ўстириш учун, социализмнинг капитализм билан иқтисодий мусобақада ғалаба қозониши учун қандай шарт-шароитлар яратиб бераётганлигини кўрсата олсин.

Семинарларнинг асосий вазифаси пропагандистларга даставвал, тавсия этилган мавзулар юзасидан машғулотлар ўтказишда биринчи манбалар, сиёсий адабиётдан мустақил фойдаланишда зарур назарий ва методик ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Семинарларда 1971 йилги халқ хўжалиги плани материалларидан, шунингдек, партия ташкилотларининг меҳнаткашларни ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, халқ хўжалигини ривожлантиришдаги резервлардан, бор бўлган барча имкониятлардан фойдаланишни яхшилашга сафарбар этишдаги фаолиятини кўрсатадиган маҳаллий материаллардан ҳам кенг фойдаланиш маъқул.

Хўжаликнинг социалистик системаси туб афзалликларини, партия иқтисодий сиёсати илмий асосларини кўрсатиб бериш, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш тўққизинчи беш йиллик план юзасидан КПССнинг навбатдаги XXIV съезди материалларини қараб чиқиш муҳимдир. Совет халқининг ўтган беш йилликдаги иш якунларини ва эришган муваффақиятларини, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишда эришилган ютуқларни батафсил таҳлил этиб бериш, Коммунистик партия билан совет давлатининг сиёсатини амалга оширишда ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларимизнинг меҳнат қаҳрамонлиги манбаларини кўрсатиб бериш зарур.

Албатта, мавжуд қийинчиликлар, камчиликлар тўғрисида ҳам айтиб ўтиш керак. Ана шу қийинчиликлар, камчиликларнинг сабабларини очиб ташлаш, фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш негизида экономикани янада ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари самарадорлигини оширишдаги резервларни кўрсатиб бериш зарур.

Партиянинг иқтисодий сиёсати социалистик, коммунистик қурилишнинг ҳар бир босқичида мамлакат олдида турган сиёсий ва хўжалик вазифалари билан белгиланади. КПСС программасида кўрсатиб ўтилганидек, партия ва совет халқи олдида турган асосий иқтисодий вазифа—коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдан иборатдир. Социалистик давлат жаҳонда энг илғор саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини вужудга келтириш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш совет экономикасини ривожлантиришнинг асосий проблемасидир. «Ҳозир — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев,— партиянинг XXIV съезди яқинлашиб келмоқда. Келгуси беш йилликнинг планини тайёрлаш ниҳоясига етказилмоқда. Хуллас, совет экономикасининг каттагина даврдаги тараққиёт йўлларини белгилаб берувчи янги катта қарорлар қабул қилиниши керак. Ана шу катта ишга биз ленинча ёндошиб, турли-туман иқтисодий вазифалар орасидан, ана шу вазифанинг бутун занжири орасидан энг муҳим, асосий ҳалқани танлаб олишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ҳамма жойда анча ошириш—ана шундай ҳалқадир».

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Социалистик ишлаб чиқариш қанчалик самарадорлироқ бўлса, ижтимоий тараққиёт ва халқ фаровонлигини юксалтириш вазифалари шунчалик тезроқ ҳал этилади, комунизмнинг моддий техника базаси шунчалик тезроқ яратилади.

Пропагандистлар семинарининг биринчи мавзуи ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги проблемасига бағишлангандир. Бу проблема моҳиятининг жамланган ифодаси қуйидаги формуладан иборатдир; жамият манфаатлари йўлида одам кучини ва моддий. лашган меҳнатни энг кам сарфлаган ҳолда, энг юқори натижаларга эришмоқ керак. Социализм шароитларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларини қараб чиқиш, совет экономикасини ривожлантириш учун, халқ фаровонлиги ва маданиятини ўстириш учун уларнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш муҳимдир, иқтисодий сиёсат характерини белгилайдиган партия ҳужжатларида, СССР Олий Советининг 1970 йил декабрь ойида бўлиб ўтган иккинчи сессияси материалларида бу проблема атрофлича ёритиб берилган. Техника тараққиётини жадаллаштириш; фанни ривожлантириш ва унинг эришган муваффақиятларини практикага тезроқ жорий этиш; халқ хўжалиги структурасида прогрессив силжишлар; ишлаб чиқаришни планлаштириш, ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш; ишлаб чиқариш ва меҳнатда социалистик рағбатлантириш резервларидан тўлароқ фойдаланиш; меҳнаткашларнинг маданий-техникавий савиясини ошириш — мана булар ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидир.

Пропагандистларнинг семинарига бундан кейин киритиладиган мавзулар биринчи мавзунинг мантиқий давоми бўлади. Бу мавзуларда кўзда тутилган мақсад—ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг асосий омилларини янада конкретроқ ва батафсилроқ таҳлил этишга кўмаклашишдан иборатдир.

Фан-техника революцияси эришган муваффақиятларни практикага жорий этишни жадаллаштириш —ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилидир. Жумладан, иккинчи мавзу ана шу проблемага бағишланган. Бу мавзу ўрганилар экан, семинар эътиборини фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши, ижтимоий ишлаб чиқаришни жадаллаштиришда фан ва техниканинг роли; ҳозирги замон шароитларида фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари. КПССнинг иқтисодий сиёсати фан ва техника тараққиёти муҳим эҳтиёжларининг, социалистик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ифодаси эканлиги масалаларига қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги замоннинг, яъни жамиятнинг капитализмдан социализмга ўтиш даврининг асосий характерли белгиларидан бири фан—техника революциясининг тез ривож топиб бораётганлигидир. Унинг манбалари фан-техника ривожининг қонуниятларига, ҳозирги замон ижтимоий ҳаётнинг ривожланиш қонуниятларига асосланади.

Фан-техника революциясининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини аниқлаш катта аҳамиятга эгадир. Маълумки, бу революция жамиятнинг моддий-техника базасида туб, сифат ўзгаришларига олиб келади, социалистик ижтимоий муносабатларнинг такомиллашувига ва коммунистик муносабатларга айланишига ёрдам беради. Янги инсон ана шу негизда аста-секин шаклланади. Бу жараёнларни тушуниш учун пропагандистларнинг диққат-эътиборини қуйидаги масалаларга қаратиш керак.

Техника тараққиётига ҳам ҳал қилувчи таъсир ўтказаётган фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучи сифатидаги роли ортиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Техника тараққиёти тенденцияларини белгилаш, янги машиналарни конструкция қилиш, улардан фойдаланиш эндиликда илмий ижодиёт соҳасига айланиб кетди. Фан эришган муваффақиятлар ҳозирги замон технология жараёнларининг негизини ташкил этади. Социалистик жамиятда фан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш характерини ҳам белгилайди.

Шундан кейин ишлаб чиқариш жараёнида инсон бевосита иштирок этувчи талаб қиладиган эски техниканинг ўрнига янги автоматик техника келаётганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Ишлаб чиқаришнинг энергетика базасида революцион ўзгаришлар юз бермоқда. Энергиянинг анъанавий манбалари—кўмир, нефть, сув билан бирга янги манбалар, жумладан, атом энергияси тобора каттароқ аҳамият касб этмоқда. Фан ва саноат хусусиятлари олдиндан белгилаб қўйиладиган сунъий материаллар яратмоқда. Бу материаллардан маҳсулот ишлаб чиқариш хом ашё сифатида тобора кенгроқ фойдаланилмоқда.

Ниҳоят, илмий-техника революцияси меҳнатнинг характерини ўзгартириб юбормоқда. Соҳалар қисқариб, жисмоний меҳнат шароитлари ўзгармоқда, ақлий меҳнатнинг роли ортиб бормоқда. Эски касбкорлар машиналарнинг ишини кузатиб туриш, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш билан боғлиқ бўлган янги касбкорларга ўрнини бўшатиб бермоқда. Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ходимлари ўртасидаги жиддий тафовутлар аста-секин камайиб, йўқолиб бормоқда. Техника тараққиёти қишлоқ хўжалик меҳнатини индустриал меҳнат турларидан бирига айланиши учун шарт-шароит туғдирмоқда. Қишлоқ ҳаётининг уклади тобора шаҳар ҳаётига ўхшаб бормоқда.

Иккинчи мавзунинг асосий масалаларидан бири—КПСС иқтисодий сиёсатининг илмий асосларидир Эндиликда партиянинг асосий мақсади — илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришдан, ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришдан, шу асосда омманинг моддий фаровонлигини ва маданиятини оширишдан иборатдир. Партия ана шу мақсадда саноат корхоналарининг, планлаштирувчи органларнинг, илмий муассасаларнинг, конструкторлик бюроларининг ишларини астойдил такомиллаштиришга эришмоқда. Мутахассис кадрларни тайёрлаш, илмий-техника тараққиётини амалга оширишда меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ривожлантириш, фан-техника тараққиёти эришган муваффақиятларни ишлаб чиқаришга кенг ва ўз вақтида жорий этиш партия ташкилотларининг кундалик иши бўлиб қолди.

Семинарнинг учинчи мавзуи хўжалик ҳисобини ва иқтисодий тежаш режимини мустаҳкамлашга бағишланади. Шу мавзудаги ишга В. И. Лениннинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асари, КПСС XXIII съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март ва сентябрь, 1969 йил декабрь пленумларининг қарорлари асос қилиб олинади. Бу ҳужжатларни ўрганиш партиянинг навбатдаги XXIV съезди асосий проблемалари ва ғояларини чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш керак!

Биринчидан, социалистик хўжаликни юритишнинг методи бўлган хўжалик ҳисобининг моҳияти ва хусусиятларига доир масалаларга эътибор бериш лозим. Бунда жамоат мулки негизида ишлаб чиқаришни юксак рентабелли (самарали) юритиш учун товар ишлаб чиқариш қонунларидан ҳар тарафлама фойдаланиш зарурлиги тўғрисида Лениннинг асосий ғоясини чуқур ўзлаштириб олиш айниқса муҳим. Владимир Ильич ҳисоб-китоб ва контролни йўлга қўйишни, марказлашган социалистик планлаштиришни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни, корхоналарнинг оператив мустақиллигини кенгайтиришни ўз меҳнати натижаларидан коллективларнинг ва айрим ходимларнинг иқтисодий ва маънавий манфаатдорлигини, корхонанинг иш якунлари учун раҳбарликнинг ва ҳар бир меҳнаткашнинг масъулиятини оширишни хўжаликни бундай бошқаришнинг муҳим шартлари деб билади.

Иккинчидан, хўжалик ҳисобини янада такомиллаштириш, социалистик ишлаб чиқаришни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтишга алоҳида эътибор бериш зарур. Ҳозирги вақтда кўпчилик саноат корхоналари хўжалик ислоҳоти принциплари асосида ишлаётир. Ислоҳот принциплари транспортда, совет савдосида, қурилишда тобора кенгроқ қўлланилмоқда.

Машғулотларни уюштирувчи лекторларнинг вазифаси—социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий воситаларидан самарали фойдаланишда, иқтисодий рағбатлантиришнинг ролини кучайтиришда, корхоналар ишининг сифат кўрсаткичларини оширишда хўжалик ислоҳотининг ролини ҳар тарафлама кўрсатишдан иборатдир. Ҳозир кўпгина саноат корхоналарида ички хўжалик резервлари ва моддий ресурслардан тўлароқ фойдаланилмоқда, ишлаб чиқаришда нобудгарчилик камайди. Ўтган беш йилликда саноат маҳсулоти ўсишининг учдан икки қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришилди. Корхоналар коллективларининг ижодий ташаббускорлиги янги шароитларда анча ўсди. Манфаатдорлик проблемасига алоҳида эътибор бериш керак. Бу социализмнинг энг муҳим принципларидан биридир. Моддий манфаатдорлик принципларини амалга ошириш меҳнатни яхшироқ ташкил этишга, меҳнат унумдорлигини оширишга, фан ва техника эришган муваффақиятларни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этишга ёрдам беради. Ленин ходимларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини жамият, коллектив манфаатлари билан, коммунизм қурилиши вазифалари билан моҳирона қўшиш, меҳнатга нисбатан моддий ва маънавий рағбатлантиришларни тўғри мослаштириш ҳақида таълим берган эди.

Учинчи масала — ҳар бир корхонада, социалистик халқ хўжалигининг ҳар бир звеносида иқтисодий тежаш ва тежамкорликни янада мустаҳкамлаш масаласидир. КПСС Марказий Комитетининг 1969 декабрь Пленуми бу проблемага жуда катта аҳамият берди. Хом ашёни, материалларни, ёқилғини, маблағларни тежаш, бракка, талон-торожга, хўжасизликка ва исрофгарчиликка қарши кураш — ҳар бир ходимнинг бурчидир. Ресурсларни эҳтиёт қилиб сарфлаш—ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, жамоат бойлигини кўпайтиришнинг ва шу асосда меҳнаткашлар фаровонлигини ўстиришнинг муҳим воситасидир.

Ниҳоят, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун кураш меҳнат интизомини мустаҳкамлаш билан, халқ хўжалигининг барча бўғинларида уюшқоқликни кучайтириш, топширилган иш учун ходимларнинг масъулиятини ошириш билан чамбарчас боғлангандир. Онгли социалистик интизом руҳида тарбиялаш партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, муассаса, корхоналар, қурилиш, колхоз ва совхоз раҳбарларининг жанговар вазифасидир. Семинарнинг тўртинчи якунловчи мавзуи —«Халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш» мавзуини қараб чиққанда, Владимир Ильич Лениннинг «Ягона хўжалик плани тўғрисида», «Госпланга қонун чиқариш функцияларини бериш тўғрисида» ва айрим бошқа асарлари асосида Владимир Ильичнинг социалистик планлаштириш ва бошқариш тўғрисидаги ғояларини аниқлаб олиш зарур. Ана шу ғояларнинг КПСС ҳужжатлари ва қарорларида янада ривожлантирилганлигини ҳам таҳлил қилиб чиқиш керак. Бу масалада Марказий Комитет 1965 йил сентябрь ва 1969 йил декабрь пленумларининг, КПСС XXIII съездининг қарорларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Экономикани планли ривожлантириш — социализмнинг ғоят муҳим, туб афзаллигидир. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштирилиши ва концентрация қилиниши, корхоналар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг кучайтирилиши — буларнинг ҳаммаси капитализм давридаёқ ишлаб чиқаришни планлаштириш учун объектив тенденция вужудга келтиради. Лекин, иқтисодий негизи ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулкчиликка асосланган капитализм бу тенденциянинг ривожланиши учун сал-пал бўлсада тўла имконият туғдириб бераолмайди. Планлаштириш социализмдагина ишлаб чиқаришни тартибга солиб туришнинг самарали воситаси, бутун жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига илмий раҳбарлик қилишнинг қудратли дастаги бўла олади.

Социализмнинг туб афзалликлари социалистик жамиятда ҳам қўлланиладиган ишлаб чиқаришни планли бошқариш принципларида ҳам намоён бўлади. Иқтисодий проблемаларни ҳал этишда сиёсий жиҳатдан ҳам, хўжалик жиҳатдан ҳам ёндошишнинг чамбарчас боғлиқлиги шундай принциплардан биридир.

Хўжалик сиёсати деган эди Ленин, коммунистик партия учун энг қизиқарли сиёсатдир, чунки меҳнаткашларнинг туб ҳаётий манфаатлари шу сиёсатда акс этади.

Партиямиз демократик централизм принципларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Бу принцип экономикага марказлашган ҳолда, планли раҳбарлик қилишни кенг халқ оммасининг ташаббусини, ривожлантириш билан қўшиб олиб боришни таъминлайди. В. И. Ленин «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асарида кўрсатиб ўтган эдики, йирик машина индустрияси юзлаб, минглаб ва ўнг минглаб кишиларнинг ишини йўналтириб турадиган ягона иродани талаб этади. Бундай ирода бирлигига, яъни жамоат ишлаб чиқариши барча бўғинларининг мунтазам ҳаракатига коллегал раҳбарлик билан қўшиб олиб бориладиган яккабошчилик орқали эришилади.

Янгича ишлашга ўтиш муносабати билан вужудга келган ҳозирги шароитда халқ хўжалигига планли раҳбарлик қилиш анча юксак даражага кўтарилмоқда. Бу жараённинг асосий томонларини пропагандистларнинг семинарида батафсил қараб чиқса арзийди.

Ҳозир планлаштирувчи марказий ташкилотлар корхоналарнинг майда-чуйда ишларига аралашишдан озод этилган. Шу муносабат билан улар асосий эътиборни энг муҳим халқ хўжалиги проблемаларини, шу жумладан, перспектив планлаштириш ва олдиндан белгилаб бериш проблемаларига қаратиш имкониятига эгадир.

Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ленинчи принципларини амалга ошириш бу ишга кенг меҳнаткашлар оммасини актив жалб этишни талаб қилади. Доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг иш тажрибасини ўрганиш ишчиларнинг йиғилишларини ўтказиш, жамоатчилик-конструкторлик бюролари, ижодий ҳамдўстлик бригадалари, иқтисодий анализ бюроси ва лабораториялари, халқ контроли группаси ва ҳоказоларнинг фаолиятини таҳлил этиш асосида маҳаллий материаллардан фойдаланиб, бу масалани ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

Ўртоқ Л. И. Брежнев «Ленин иши яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда» сарлавҳали докладида бундай деган эди «...Партия саноат корхоналарини, совхозлар ва колхозларни бошқаришни, ишлаб чиқариш самарадорлигини, ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун, мавжуд қувватлардан энг тўлиқ равишда фойдаланиш, меҳнат интизомини ошириш учун курашда меҳнаткашларнинг иштирокини тағин ҳам кенгайтиришни таъминлашга қаратилган йўлни қатъият билан ўтказмоқда».

Семинарларда фан ва техника, жаҳон социализм системасининг иқтисодий ривожланиши. СССРнинг ташқи сиёсати масалалари юзасидан ва бошқа мавзулар бўйича лекциялар ўқилиши мумкин. Пропагандистлар ўз республикалари, ўлкалари, областлари, районларида экономика ва маданиятнинг ривожланиши тўғрисида батамом аҳборот олишлари керак. Шу муносабат билан пропагандистлар ҳузурида раҳбар, партия, совет хўжалик ходимларининг ишлаб чиқариш пешқадамлари ва новаторларининг чиқишларини ташкил этиш муҳим вазифадир. Лекцияларни ўқишга ва доклад қилишга олимларни, малакали иқтисодчиларни, методика масалалари бўйича эса тажрибали пропагандист ходимларни жалб этиш керак.

Практика шуни кўрсатдики, пропагандистларни тайёрлашнинг энг таъсирчан формаларидан бири илмий практик ва методик конференциялар ўтказиб туришдир. Ана шу конференцияларда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигини пла-нлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш. корхоналарда техникани тараққий эттириш, иқтисодий тежаш режимини амалга ошириш, ишлаб чиқариш резервларини сафарбар этиш, меҳнатни илмий ташкил қилишни жорий этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш сингари масалаларни муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай конференцияларда иқтисодий масалалар юзасидан машғулотлар ўтказишни уюштириш ва методик масалалар юзасидан машғулотлар ўтказишни уюштириш ва методика масалаларига алоҳида аҳамият бериш керак.

Семинарларни ўтказиш савиясива сифати марксизм-ленинизм асослари мактабларидаги машғулотларга кўп даражада таъсир қилади. Шунинг учун ҳам партия комитетлари, сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари семинарларни ўтказишга пропагандистларни тайёрлашга ғоят жиддий эътибор беришлари керак.

«Политическое самообразование» журналининг келгуси сонларида шупроблема юзасидан пропагандистлар учун консультация эълон қилинади.

КОММУНИСТ Анвар Исломов пойтахтимиздаги 2-пойафзал фабрикасининг ишчан пропагандистларидан. У бошчилик қилаётган тўгарак машғулотлари доимо юқори савияда ўтяпти. Чапдаги суратда: пропагандист А. Исломов навбатдаги машғулотларга тайёргарлик кўряпти. Тошкентдаги 73-ўрта мактабда ташкил этилган ота-оналар университети ўтган йили Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг юбилей фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Университетга моҳир пропагандист жамоатчи аёл Қумрихон Обидова бошчилик қиляпти. Университет машғулотларида таълим-тарбиянинг энг муҳим проблемалари муҳокама қилиняпти. Ўнгдаги суратда: Қ. Обидова (ўнгда) университет тингловчилари билан суҳбатлашмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

АДАБИЁТ

В. И. Ленин. Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари. 27-том, 287 бет.

В. И. Ленин. Буюк почин. 29-том. 423—450 бетлар.

В. И. Ленин. Фан-техника ишларининг дастлабки плани. 27-том 330—331 бетлар.

В. И. Ленин. Бирлашган хўжалик плани тўғрисида. 32-том, 139—148 бетлар.

Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига.

КПСС Марказий Комитетининг Тезислари.

Л. И. Брежнев 1970 йил 13 апрелда Харьков трактор заводида сўзлаган нутқи.

Л. И. Брежнев. Ленин иши яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда.

Л. И. Брежнев. Партиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги навбатдаги вазифалари. КПСС Марказий Комитети 1970 йил 2 июлдаги Пленумида қилинган доклад.

Н. К. Байбаков. 1970 йилда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани тўғрисида. Саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қилинган доклад.

«Совет Ўзбекистони», 1970 йил, 9 декабрь.

В. Ф. Гарбузов. СССРнинг 1971 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1969 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

«Совет Ўзбекистони», 1970 йил, 9 декабрь.

(«Политическое самообразование» журнали, 1971 йил, 1-сон).

17 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

Ленин комсомоли номли Москва автозаводининг ишчилари, инженерлари ва хизматчилари 17 апрелда коммунистик шанбалик ўтказишга аҳд қилдилар. Шу куни корхонада камида 400 та «Москвич» маркали автомобиль тайёрланади, ўша кунги иш ҳақи янги беш йиллик фондига ўтказилади. Автозаводчилар пойтахтдаги барча меҳнаткашларни партия XXIV съездини янги меҳнат туҳфалари билан кутиб олишга ва 17 апрель куни ўтказиладиган коммунистик шанбаликда иштирок этишга даъват қилдилар.

Москвадаги кўпгина корхоналарнинг коллективлари бу ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлашди. Булар орасида Москва—Сортировочная депосининг темирйўлчилари, Владимир Ильич номли завод электрмашинасозлари, «Красная пролетария» станоксозлари, Шчербаков номли ипак комбинати тўқимачилари, қурувчилар бор. Ана шу ҳамма корхоналарнинг коллективлари 17 апрель куни коммунистик шанбаликка чиқадилар.

Москваликларнинг ташаббуси мамлакатда кенг қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, Тошкентдаги «Ташсельмаш» заводи ва «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг коллективлари шанбаликда иштирок этишга ва ўша кунги иш ҳақини янги беш йиллик фондига топширишга якдиллик билан қарор қилдилар.

Вильнюсдаги «Комунарас» заводининг коллективи 17 апрель куни металл қирқадиган элликта станоқ тайёрлаб беради. Корхона ўша куни тежаб қолинган электроэнергия ҳисобига ишлайди, тайёрланган маҳсулот ва ўша кунги иш ҳақи беш йиллик фондига топширилади.

Озарбайжон пойтахтидаги энг йирик корхоналардан бири — Владимир Ильич номли Ново-Бакинский нефтни қайта ишлаш заводида ҳам москваликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Бу ерда 17 апрель куни кўпдан-кўп ускуналарни ҳақ олмасдан ремонт қилиб беришга, завод территориясини обод қилиш ва кўкаламзорлаштиришга, 30 тонна темир-терсак йиғишга аҳд қилинди.

Москваликларнинг ватанпарварлик ташаббуси бошқа шаҳарларда ҳам қўллаб-қувватланаётганлиги тўғрисида хабарлар келиб турибди.

Республикамиз пойтахти ва Тошкент областидаги саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари ҳам шу йилнинг 17 апрелида коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусга бажонидил қўшилмоқдалар. Уларнинг аксарияти шу куни маҳсулотни тежалган материаллар ва хомашёлар ҳисобига тайёрлашга аҳд қилишаяпти.

Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари ҳам бу ватанпарварлик ҳаракатига қўшилишди. Улар 17 апрель куни бир жон-бир тан бўлиб коммунистик шанбаликка чиқишади. Шу куни 40 минг сўмлик турли-туман галантерея буюмлари тайёрланади. Маҳсулотнинг кўпчилик қисми тежалган хомашё ва материаллар ҳисобига ишлаб чиқарилади. 950 киши шанбаликда иштирок этади. Чеварлар оддий иш кунидагидек ўз дастгоҳлари ёнларида бўлишади.

Фирма бошқармаси ходимлари эса ободонлаштириш ишлари билан шуғулланадилар. Корхона территорияси тозаланади. Дарахт, гул кўчатлари ўтқазилади. Коллектив ишлаб чиқарилган маҳсулот учун тўланадиган иш ҳақини беш йилликни ривожлантириш фондига беради.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ҲУЖУМЛАРИ

ЛОНДОН, 25 январь. (ТАСС). Камбоджа ватанпарвар кучлари пойтахтдан 13 километр наридаги Пномпень аэропортига яна ҳужум қилдилар. Рейтер агентлигининг хабаридан маълум бўлишича, Жанубий Вьетнамдан келтирилаётган ҳарбий юклар шу аэродром орқали ташиб олинади. Аэродромга миналар ва ракеталар ёғдирилган. Пномпень қўшинларининг шаҳар атрофида жойлашган мустаҳкамланган постларига бутун тун бўйи ҳужум қилинган. Пномпеннинг айрим районларида комендантлик соати эълон қилинган.

ЙЎЛ ОЧИЛДИ

ҚОБУЛ, 25 январь. (ТАСС). Афғонистондаги «Анис» газетаси хабар беради: 3000 метрдан зиёд баландликда бўлган Саланг довони орқали ўтган йўл қор уюмларидан тозаланганидан кейин автомашиналар қатнови учун очиб қўйилди.

Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қурилган мана шу баланд тоғлар орасида қурилган йўлнинг қор кўчкилари ва қор уюмлари босиши хавфи бўлган ерларида ўрнатилган инженерлик иншоотлари баланд тоғ йўлини тез тозалаб олишга ёрдам беради. Бу йўлда қурилган қор тўсиш йўлакларининг ўзигина жами 5,5 километрга яқин масофага чўзилган.

Қиш даврида совет йўл техникаси йўлнинг қалин қор уюмлари билан қопланиб туришига қарамай, уни тез тозалаб, йўлда қатновнинг мунтазам давом эттирилишига имконият беради.

Негр халқининг ватанпарвар фарзанди, коммунист аёл Анжела Девис Калифорния штатидаги турмада қаттиқ азоб чекмоқда. Уни газ камераси ё бўлмаса узоқ муддатли қамоқ кутмоқда. Ҳозир ер куррасининг барча чеккаларида бу жасур қизнинг ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган оммавий митинг ва намойишлар бўлиб ўтмоқда. Барча ватанпарвар кишилар ўз миллатининг озодлиги йўлида кураш олиб бораётган Анжела Девис томонида туриб уни дарҳол турмадан озод этилишини талаб қилишаяпти.

Сурат «Комсомольская правда» газетасидан олинган.

АНЖЕЛА—КУРАШАЁТГАН АМЕРИКА РАМЗИ

◆ Негр ватанпарвари—коммунист аёл Анжела Девис айбламоқда ◆ Калифорния штатида шармандалик суди ◆ Жаҳон афкор оммаси Анжела Девиснинг озод этилишини талаб этмоқда ◆ Ҳаққоний иш ғалаба қозонади.

Америка империализми қора танлилар ҳуқуқини поймол этувчи яна бир жирканч ишга қўл урди. Негр халқининг асл фарзанди 27 ёшли коммунист Анжела Девис Калифорния штати реакцияси томонидан қилинган сиёсий фитнанинг қурбони бўлди.

Шу йил 7 январда Калифорния штатининг Сан—Рафиль шаҳрида Анжела Девис «иши»ни дастлабки эшитиш бошланди. У негрларнинг граждаилик ҳуқуқлари учун курашувчиларнинг одатига кўра муштини баланд кўтариб одамлар билан лиқ тўлган суд залига кириб келди.

Калифорния полицияси уйдирма тухмат билан Анжелани «одам ўлдиришда қатнашган» деб айбламоқда.

— Суд олдида, ўз мамлакатим халқлари олдида шуни айтмоқчиманки, — деди Анжела, — Калифорния штати маъмурлари менга тўнкаётган айбни тан олмайман.

Айбланувчини ҳимоя қилувчи А. Броцкий Анжелага тўнкаётган айблар асоссиз эканлигини айтиб, уни гаров эвазига дарҳол бўшатиш ва бу «ишни» далиллар мутлақо етишмаганлиги сабабли тўхтатиш масаласини суд олдига қўйди. Судга раислик қилувчи Калифорния штатининг олий судьяси Ж. Уильсон унга қарши ҳеч қандай далил келтиролмагач 22 февралдан кечиктирмай, яъни Анжела Девис «иши» юзасидан навбатдаги суд мажлиси қачон ўтказилиши тайинланганидан кейин, жавоб беришга ваъда қилиш билан чекланди.

Теран заковат эгаси Анжела «халқимни озод қилиш учун олиб бораётган курашимни тўхтатишга ҳеч ким мени мажбур этолмайди. Бутун халқим озод этилмагунича мен ўзимни эркин деб ҳисобламайман» деб қатъийлик билдирмоқда.

Коммунист Анжела Девис ёш бўлсада, кўпгина революцион воқеаларда қатнашди. У 1944 йил 27 январда Америка жанубидаги Аламба штатининг Бирмингем шаҳрида туғилди. Отаси Девис автомобилларни ремонт қилиш станциясида ишлайди. Онаси Салли мактабда ўқитувчи. Икки акаси бор. Девис ёшлигидан Америка негрларининг аянчли ўтмиши тарихини қунт билан ўрганди. 1963 йил октябрда аянчли воқеа юз берди. Бирмингем черковида номаълум шахслар томонидан тўрт негр қизи ўлдирилди. Бу воқеадан хабардор бўлган полиция айбдорларни қидирмасдан ишни бости-бости қилиб юборди. Бегуноҳ қизларнинг ўлимидан қаҳр-ғазаб косаси тўлиб-тошган Анжела Девис: «Модомики сингилларимизнинг ўлимида айбдорлар йўқ экан, демак, бунда капиталистик системанинг ўзи айбдордир» деб баралла айтди.

Анжела ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, ўз билимини мустаҳкамлашга киришади. У Европада таълим олади. Сарбонна университетида француз адабиётини ўрганади. 21 ёшли қиз Ғарбий Германиядаги Гёте номидаги университетнинг социал-тадқиқот институтида, 1967 йилда Сан-Диего шаҳридаги Калифорния университетининг якунловчи курсига кириб ўқийди. 1969 йилда Калифорния университетида философия фанидан дарс бера бошлайди.

Кўп ўтмай Анжела «Че—Лумумба клуби»нинг аъзоси эканини билиб қолишади. Бунга жавобан Анжела «Мен АҚШ компартиясининг аъзосиман» деб қатъий айтди. Анжела Девиснинг Коммунистик партияга аъзолиги Америка ҳокимларини ташвишга солди. Маълумки, эллигинчи йиллардаги Маккарти тинтувидан сўнг университетларда биронта ҳам коммунист ўқитувчи қолмаганди. Анжела арзимаган баҳоналар билан университетдан ҳайдалди.

ФБР агентлари Анжелани қамоққа олиб, Калифорния реакцияси чангалига тутқазишди.

Америка қамоғида азоб чекаётган ватанпарвар негр қизи ёлғиз эмас. Барча инсонпарвар кишилар ўз миллатининг озодлиги учун кураш олиб бораётган коммунист аёлни қўллаб қувватламоқдалар. Ҳозир у ётган турмага ҳар куни юзлаб хатлар келиб турибди. Яқинда Берлиндаги халқаро хотин-қизлар федерациясининг президенти Херта Куусинен Анжелага мактуб йўллади. Херта мазкур хатда халқаро хотин-қизлар федерациясига аъзо бўлган жаҳоннинг 95 мамлакатидаги хотин-қизлар ташкилоти номидан Анжелани туғилган куни билан қизғин табриклайди (кеча Анжела Девис 27 ёшга тўлди). Мактубда ирқий камситиш, озчиликни ташкил этувчи миллатларни эзишга қарши, ижтимоий тараққиёт учун жасур курашчи Америка коммунисти билан чуқур бирдамлик изҳор қилади. «Қамоқ камерасига ташлаб қўйилганингиз билан сиз ёлғиз эмассиз. Миллион-миллион аёллар сизнинг томонингизда» деб ўз хатини якунлайди.

Жаҳон афкор оммаси Америка ҳукмрон доираларининг қора танлилар ҳуқуқини поймол этишга қаратилган сиёсатини қаттиқ қораламоқда. Бутун жаҳон ичра Анжела Девисни озод этишга қаратилган оммавий митинг ва намойишлар бўлиб ўтмоқда.

«Анжела Девис дарҳол озод қилинсин, унга қарши иғвогарлик мақсадида тўқилган айблар бекор қилинсин!» — Жаҳон демократик ёшлар федерацияси бюросининг Будапештда эълон қилган баёнотида ана шу сўзлар айтилган.

Миллионлаб холис ниятли кишилар Анжела Девис устидан олиб борилаётган суд Вьетнамдаги агрессияга қарши чиқаётган студентларнинг овозини бўғиш, ирқий камситишга қарши курашаётган АҚШ негрларини чўчитиш, кучайиб бораётган норозилик ҳаракатларини тугатиш йўлидаги уринишдан бошқа нарса эмас, демоқдалар.

Совет меҳнаткашлари барча тараққийпарвар кишилар қатори негр коммунист аёли устидан шармандаларча олиб борилаётга судни қоралашмоқда. Улар негр халқининг мард қизи дарҳол озод қилинишини талаб этмоқдалар. Шу йил 7 январда «Правда» газетасида худди шу талаб изҳор этилган хат —совет жамоатчилиги вакилларининг АҚШ президенти Ричард Никсонга очиқ хати эълон қилинди.

Курашаётган Америка рамзи бўлмиш Анжела Девис ҳаёти сақлаб қолинсин — жаҳондаги барча инсонпарвар кишиларнинг талаби ана шу.

ТАЖОВУЗКОРЛИК ЙЎЛИ ТАНҚИД ҚИЛИНМОҚДА

ВАШИНГТОН, 25 январь. (ТАСС). Калифорния штатидаги демократик партиянинг Сакроментода ўтказилаётган съезди қатнашчилари АҚШ ҳукуматининг Шарқи-Жанубий Осиёдаги сиёсатини қаттиқ танқид қилдилар.

Сенатор Ж. Макговерн президент Никсонни конгресснинг Ҳинди-Хитойда урушни кенгайтиришга йўл қўймаслик тўғрисида берган асосий йўриқларини «қўпол равишда бузди» деб айблади. «Вьетнамлаштириш» сиёсати Вьетнамда одамларни ўлдиришни тўхтатишга қаратилган программа эмас, балки бу программа ҳукуматнинг Қўшма Штатларнинг ўзида бу сиёсатдан норози бўлганларни жим туришга мажбур этиб урушни давом эттириш ниятида эканлигини акс эттиради. Ҳозирги вақтда, деди сенатор, «биз бутун Ҳинди-Хитойга ёйилган урушга тортилиб қолдик».

ДИКТАТУРА МЕРОСГА ҚОЛАДИГАН БЎЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 25 январь. (ТАСС). Гаити диктатори Дювалье ўғли Жан—Клодни ўзининг расмий ворисн қилиб тайинлади, деб хабар беради АП агентлиги.

Дювалье ҳукмронлик қилган 14 йил давомида Гаити аслида жуда катта қамоқ лагерига айлантирилди. Бу ерда зўравонлик ва ўрта асрларга хос жабр-зулм ҳукмронлик қилмоқда. Яқинда икки марта юрак ўйноғи дардига мубтало бўлган кекса диктатор «умрбод президент» бўлгани камлик қилиб, «Дювальелар сулоласини сақлаб қолиш» муаммоси билан жиддий шуғулланишга қарор берди.

Аввалига унга итоатгўй парламент «конституцияга тузатиш»ни шоша-пиша «якдиллик билан» қабул қилди. Шу тариқа парламент конституциядаги 40 ёшдан кичик бўлмаган киши мамлакат президенти бўла олади» деган моддани бекор қилди. Бунинг сабаби шуки, диктаторнинг ёлғиз ўғли энди 19 ёшга кирди.

Эҳтиёткор Дювалье ҳокимиятни даъво қилувчи бошқа кишиларни йўлдан олиб ташлаш мақсадида шундан сал аввал ҳукуматда ва мамлакат қуролли кучларида тозалаш ўтказди.



Бирлашган Араб Республикаси. Совет мутахассислари ёрдамида бунёд этилган Асвон комплекси яқинида ишга туширилди. У совет техникаси билан жиҳозланган. Суратда: гидроэлектростанциянинг бўлимларидан бири.

А. ГОРЯЧЕВ фотоси. ТАСС.

Трофим Подолин

Махсус командировка

У разведкачига мовий шойи лента билан тикилган чиройли папка узатди. Георгий уни очди. Папка ичида машинкада ёзилган уч варақ ёзувли қоғоз ётарди. Кўкишоқ рангдаги олий нав қоғоз. Буларнинг ҳаммаси ниҳоятда чиройли ишланибди.

— Бу нима?— деб сўради у мийиғида кулиб турган Элтондан.

— Бизнинг конкрет таклифларимиз. Аминманки, сиз рози бўласиз. Ишонинг, бунга эришиш жуда мушкул бўлди!

Бир қарашда тепада, ўнг бурчакдаги уч сантиметрли қизил ҳарфлар билан ёзилган «МУТЛАҚО МАҲФИЙ» сўзлари яққол кўзга ташланарди.

Георгий Англияда иш олиб борган пайтида бундай эътиборни жалб қилувчи ёзувларни кўп кўрган. Аммо Британия махсус хизмати арбобларидан ҳеч ким унга мана шундай кўк ҳошияли ва мовий ленталн папкани ликопчада ҳеч қачон келтирмаган эди. Бунга мутлақо ўзгача йўл билан, инсоф қилиб айтганда, қийинчилик билан эришилар эди. Шу қадар осон ва расмий йўл билан разведкачи мутлақо маҳфий ҳужжатларни биринчи марта олаётган эди.

Бу «тарихий» ҳужжатни у эътибор билан ўқиди. Унда: Гордон Лонсдейл бу ҳужжатда қайд қилинган барча саволларга «батафсил ва ҳаққоний» жавоб бериши шарти билан юқори инстанциялар қамоқ муддатини 15 йилгача қисқартишга рози эканлиги айтилган эди. Жавобларнинг тўлиқ ва ҳаққоний эканлигига хавфсизлик хизмати баҳо берарди.

Саволларни ўқиётиб Георгий бу текстнинг тузувчиси ёки тузувчилари умуман разведка иши, хусусан, унинг шахсий фаолияти ҳақида хира тасаввурга эга эканлигини тушунди. Ростини айтганда бу ҳол уни хурсанд қилди.

Саволнома тузувчиси, жумладан, шифровка техникаси ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмас эди. Устига устак мутахассисларга мурожаат қилишга ҳам эринибди. Элтон ҳам шубҳасиз, шу тоифага мансуб эди. Инглиз контрразведкаси масъул ходимларидан бирининг бунчалик паст савияда бўлиши ўқувчига, балким, ғалати туюлар. Лекин оқни қора, қорани оқ деб бўлмайди-ку.

Георгий саволларни эътибор билан ўқиб, папкани Элтонга қайтарди.

— Бўлмайди, азизим,— деди у астойдил.— сизнинг таклифларингизни мен аҳмоқона ва ҳатто ҳақорат деб биламан. Биринчидан, мени қандайдир хизмат сирларини айтади, деб тахмин қилиш, кулгилидир. Мен бошдаёқ айтганман, фақат ўзим тўғримдаги саволларгагина жавоб бераман. Иккинчидан, 25 ёки 15 йилдан бурунроқ озодликда бўламан, деб умид қиламан.

— Ахир сиз нима истайсиз?— хитоб қилди Элтон.

— Сирасини айтганда, бу ифлосхонада ўн беш йил ўтирмасликни...— деди Георгий.

Дафъатан Элтон сўради:

— Сиз АҚШ Марказий Разведка Бошқармаси вакиллари билан учрашишни истармидингиз. Бу сизнинг фойдангиз учун бўларди, —деб қўшиб қўйди у.

У кўринишдан, инглиз контрразведкаси ва Георгий ўртасидаги ишга Марказий Разведка Бошқармасини ҳам аралаштирмоқчи эди. Кейин Элтон, агар МРБ олинган маълумотлардан қониқиш ҳосил қилса, Англия ҳукумати уни бўшатишга рози бўлади, деган фикрни айтди.

— Сизнинг фаолиятингиз асосан АҚШга қаратилганлигини ҳукуматимиз билади, —деб давом этди Элтон. Кейин қўшиб қўйди, —бу ҳол озод бўлишингизга ёрдам бериши керак.

ХИБСДАГИ СЎНГГИ КУНЛАР

Георгий 1962 йил октябрининг бошларида газетада бир хабар ўқиб қолди. Мазкур хабар унинг келажакдаги тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга тижорат ниқоби остида тез-тез «қадам ранжида» қилиб турган, жосусликда айбланиб қамалган Гревилл Винн тўғрисида эди.

Инглиз газеталари бу воқеа ҳақида жуда кам ёзишарди. Шу боисдан аслида нима бўлиб ўтганлигини билиш қийин эди. Георгий фақат «Правда»да батафсил иккиучта мақола ўқиганидан кейингина, бу иш юзасидан аниқ тасаввурга эга бўлди. Табиий, қалбининг аллақаерида Виннга алмашиб олишмасмикин, деган умид учқуни ялт этди.

Илгари эслаб ўтганимиз Марк Блум Гордон Лонсдейл тўғрисида ёзган мақолаларида, гўё Гордон Виннларнинг учта-тўрттасига арзийман, «жосусликнинг пири» олдида у ким бўпти, шунга алмашиниш жуда ноқулай, деди, деб ишонтирмоқчи бўлди. Шундай қилинса, гўё обрўйига путур етармиш. Бўлажак алмашувни муҳокама қилишиб, инглиз газеталари, шундай қизил акулани лаққа балиққа ёки китни танга балиқчага алмашиш Англия манфаатларига мос тушмайди, каби гапларни ёздилар. Қисқаси, Англиянинг айрим доиралари кимошди савдоси очмоқчи бўлдилар.

Холисона бўлиш мақсадида китоб муаллифи изоҳ бериш учун ПОЛКОВНИК ЛОНОВГА мурожаат қилди:

— Биласизми, — деб тушунтирди бизга полковник, — мен бошданоқ Англия махсус хизмати билан алмашувнинг мумкинлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилишдан қатъий бош тортган эдим. Бу Марказнинг иши эди. Улар нимани лозим топишса, шуни қилишарди. Албатта, масаланинг ижобий ҳал этилиши, менинг манфаатларимга ҳам жуда мос тушган бўларди.

Инглиз газеталари Винни лаққа балиқ деб атаб, хато қилишарди. У кам деганда чўртон балиқ эди. Каминаларига келганда... ғарбдаги обрўйим мени мутлақо ташвишга солмас эди. Мен моллардан фарқли ўлароқ, бозор баҳоси йўқ икки инсонни алмашиш тўғрисида гап кетаётир, деб ҳисоблардим. Мутлақо равшан эди: агар инглиз разведкаси Винни қутқариб қолиш зарурлигини ўз ҳукуматига тушунтира олса, алмашувнинг бўлиши турган гап эди. Лекин яна бошқа бир нарса ҳам равшан эди: инглиз контрразведкачилари сўнгги дақиқаларда керакли маълумотларни илиб юлиб қолмоқчи бўлиб, мени тузоққа туширишга ҳаракат қилишиб, алмашувдан хўрак сифатида фойдаланишлари ҳам мумкин эди. Биласизми, бу одатда қандай бўлади? «Биз сизни жон деб алмашиб оламиз, шу шарт биланки, сиз...» ва ҳоказо.

Хибсда бўлган ҳар бир банда билади, у ердан омон-эсон чиқиш учун, ким бўлсаям, хону-монини беришга тайёр туради. Лекин мен ҳар қандай хун эвазига озод бўлишни истамас эдим...

Шундай қилиб, рақибнинг навбатдаги юришини кутиш зарур эди. Бу вақтга келиб Георгий, инглиз ҳавфсизлик хизматининг айни масаладаги тактикасини анча яхши тушуниб қолган эди. Эртами-кечми, шундай юриш қилинарди...

Ноаниқ, лекин муайян вазият таҳлилига асосланган, 1986 йилдан аввалроқ уйга қайтиш имконини берадиган умид шарпаси пайдо бўлди. Бу уни қувонтирарди. Бироқ, шу билан бирга, Георгий хушхабар таъсирида, яхши ўзгаришларни кутиб, одам мужассамлигини, хушёрлигини тезда йўқотиб қўяолиши мумкинлигини ҳам пайқади. У ўзига-ўзи «ҳеч шошма, ўзгарма» деб буюрди.

1963 йил 13 январь куни қамоқхона бошлиғи уни чақиртирди.

— Лонсдейл,— деди у,— ҳозиргина менга Лондондан қўнғироқ қилишди. Сиз билан Уайтхолл[1] одамларидан айрим каттароқ жентельменлар кўришишмоқчи.

Георгий бошлиқнинг кейин нима дейишини кутиб турди.

— Улар билан учрашишга розимисиз, йўқми, шуни билиб беришни менга топширишди.

— Ташаккур, — жавоб берди Георгий, — лекин менга нисбатан ўғирлик қилган, ёхуд майда ўғричаларни қаноти остига олаётган ҳомий жентльменларни кўришни истамайман.

Суҳбат бошланмасданоқ тугади. Орадан бир кун ўтгач уни яна қамоқхона бошлиғи олдига чақиришди. Эрталаб 10-30 эди. Бу сафар Георгийни бошлиқ хонасига олиб киришмади. Коридорга хўжайиннинг ўзи чиқди. У эшикни очаётганда кабинетда креслода ўтирган, гражданча пальто кийган, телпак ва қора зонтикли кимсага Георгийнинг кўзи тушиб қолди.

— Жентльменлар келишди, — деди бошлиқ, — улар учрашув сизнинг манфаатингиз учунгина эканлигини айтиб қўйишимни илтмос қилишяпти.

— Мен майда ўғричаларни ёки уларнинг ҳомийларини кўришни истамайман, деб айтган эдим-ку.

— Шу ерда мени кутиб туринг, улар билан яна бир гаплашиб кўрай, — деди бошлиқ ва кабинетига кириб кетди.

Георгий кетолмас эди: ҳамма эшиклар берк бўлиб, бироз нарида қамоқхона назоратчиларидан иккитаси турарди. Кўринишдан, улар бошлиқнинг нима деганини эшитмаслик учун, нариროқ туриш ҳақида олдиндан буйруқ олишган бўлишса керак.

Ўн минутча вақт ўтди. «Жентльменлар» Георгийнинг қайта ўйлаши учун бу вақт етарли, деб тахмин қилишган бўлишса керак. Бошлиқ яна коридорга, унинг олдига чиқди.

— Лонсдейл, — деб гап бошлади у, — булар жуда муътабар одамлар. Лондондан атайин сиз билан сўзлашгани келишган. Улар, сизга ғоятда муҳим нарса айтажакларини маълум қилишимни сўрашди.

— Улар истаган томонларига боришлари мумкин. Бунинг учун уларга ҳақ тўлашади. Мен кўришни истамайман.

Қамоқхона бошлиғи яна Георгийнинг ўз қарорини ўзгартишга қистайбошлади. Ҳозирги суҳбат унинг учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини бир неча бор такрорлади. Лекин жавоб қатъий эди: «Йўқ». Ниҳоят бошлиқ маҳбусни камерага кузатиб қўйишларини буюрди.

Туш пайти Георгийни овқатлантиргани олиб кетишди.

Қайтишда Георгий йўлига бош назоратчи тўсиб чиқди.

— «Губернатор» сизни зудлик билан кўришни истаяпти, — деди у.

Бу гал уни бошқа хонага олиб боришди. Қамоқхона бошлиғи ўша ерда экан. Лондондан келганлар, шубҳасиз, унинг кабинетида бўлишса керак.

— Жентльменлар ҳамон сизни кўришга умидвор, — деди «губернатор», — фикрингизни ўзгартирмадингизми?

— Йўқ, — жавоб берди Георгий. Чиндан ҳам унинг уларга айтадиган гапи йўқ эди.

— Бўлмаса уларнинг мактубларини қабул қилишингизни илтимос қилишяпти. Мактуб мазмуни менга аён. Қабул қиласизми?

—Беринг!

Мактуб қисқа ва аниқ эди:

«Ҳурматли мистер Лонсдейл! Биз сиз билан қуйидаги масалаларни муҳокама қилишни истардик:

а) Сизнинг келгуси йилда озод бўлишингиз имкониятлари.

б) Сизни Британия фуқаросига алмашиш мумкинлиги.

в) Мазкур масалаларни муҳокама қилишдан манфаатдормисиз?»

Имзо атайин қилингандай, ноаниқ эди.

Битта қалдирғоч келган билан баҳор бўлмайди. Лекин Георгий бу қалдирғочни яқинда бўладиган ўз озодлигининг даракчиси деб билди. У ҳаяжонини босиб, хотиржам оҳангда, қайд қилинган масалаларни фақат оқловчи Хард жаноблари иштирокида муҳокама қилишга тайёр эканлигини жентльменларга етказишни «губернатор»дан илтимос қилди. Гувоҳга эга бўлиш ўзининг фойдаси эканлигини Георгий яхши тушунарди.

Уайтхоллик «жентльменлар» инглиз бўлишидан қатъий назар Георгий билан гувоҳ олдида гаплашишга унамадилар. Инглиз маъмурларининг инглиз оқловчисига ишонқирамаганликлари, унга ғалати туюлди. Дарвоқе, бу оқловчи уруш йилларида ҳарбий денгиз флоти офицери бўлган. Балки «жентельменлар» таклифларининг мазмуни қалтис бўлгани учун гувоҳдан чўчишгандир.

Душманнинг турли ҳийла-найранглар билан Георгийдан муҳим маълумотларни билиб олиш йўлидаги охирги уриниши шу бўлди. Уларнинг ишонган дастаги—озодлик: бўшатиш ёки алмашув эди. Лекин Георгий, қанча кутишга тўғри келмасин, ҳеч қандай келишувчилик қилмасликка қатъий қарор берди.

(Давоми бор)

(Боши газетамизнинг 19, 22, 24, 26, 30, 31 декабрь, 6, 7, 8, 9, 12, 13, 15, 16, 20, 21 ва 22 ва 26 январь сонларида).

[1] Юқори ҳукумат муассасалари жойлашган Лондондаги кўча.

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

МЕХАНИЗАТОРЛАР КУРСИ

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз механизаторларининг сафи йил сайин кенгайиб бораяпти. Хўжаликда барча юмушлар техника ёрдамида адо этилмоқда. Шу боисдан ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи арзонлашиб меҳнат унумдорлиги ошиб бораяпти.

Бу йил яна бир группа ёшлар механизаторлик касбини эгаллаш истагини билдириб, колхоз правлениесига мурожаат қилдилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти техника ихлосмандлари истагини қондириб трактор парки ҳузурида механизаторлар тайёрлов курсини очдилар.

Ҳозирги кунда курсда 20 га яқин ёш ўқимоқда. Машғулотларни колхоз мутахассислари олиб бормоқдалар. Назарий машғулотлардан сўнг улар колхоз трактор паркида машғулотлар ўтказадилар. Ҳа демай курсда ўқув тугаб ёшлар техникани бошқаришга тутинадилар.

ҚАЛИНИН МАЙДОНИ — АЭРОПОРТ

Янги очилган маршрут бўйлаб қатнаётган 14-троллейбус ҳозир Калинин майдонини Аэропорт билан боғламоқда. У Фурқат кўчаси, Беруний майдони, Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика институти орқали Аэропортга бориб туташади.

Янги маршрутнинг ишга туширилиши билан ҳамшаҳарларимиз учун ва Тошкентга меҳмон бўлиб келаётган дўстларимиз учун катта қулайлик туғдирилди.

М. ЗАРИПОВ.



КАЛИНИН районидаги Карл Маркс номли колхознинг сабзавоткорлари теплица хўжалигининг бешта секциясига ўтган йили 550 туп лимон кўчати экишган эди. Бу билан колхозда ўстирилаётган лимон дарахтларининг сони 700 тупга етказилди. Улардан дастлабки лимонлар олина бошланди. Суратда: (ўнгда) теплица хўжалигининг бригадири А. Ҳидоятов лимон ҳосилини кўрмоқда. (Чапда) колхозчилардан Ш. Аҳмедов, С. Икромов, И. Бойматовлар лимон кўчатларини парвариш қилишмоқда.

Б. САФАРОВ фотолари.

ЯНГИ шеърлар

ГУЛ ФАСЛИ

Яна қалбим садосига,
Секин қулоқ соламан.
Қалб тўридан майин-майин,
Эшитилар бир наво.
Бу навога ҳайратомуз,
Мен лол бўлиб қоламан.
Юрак дейди: — «Бош
пардада —
Куйлайвергин доимо!»
Ақл дейди: «Не сабабдан —
Яна баҳор кутасан?
Ёздан кейин асли одат,
Хазонрезлик куз бўлур..
Не сабабдан гул-ғунчага
Тўймай боқиб ўтасан?
Қиш фаслида ёққан қорлар,
Гул фасличун ҳеч бўлур...»
— «Йўқ, йўқ дейди,
юраккинам, —
Мендачи навруз фасли,
Оппоқ қорнинг остида,
Майса кўкарар асли,
Менда ҳали гул фасли...».

Шамси ОДИЛ.

ХАЁЛИМДАСАН

Деразамни чертганда ёмғир,
Шўх шаббода эсганда ғир-
ғир,
Қор учқулаб турганда бир-
бир,
Хаёлимда кўринасан сен.
Баҳор келса, келса ҳамки ёз,
Лолалардан ёйиб поёндоз.
Гулгун майдан тотганда бир
оз,
Хаёлимда кўринасан сен.
Хиёбонда кезсам кимсасиз,
Ўтирганда хонамда ёлғиз,
Орзуларга чўмганда тубсиз,
Хаёлимда кўринасан сен.
Давраларда бўлганимда ҳам,
Холи бўлсам юмушдан бир
дам,
Гоҳ бўлганда ижодим ҳамдам,
Хаёлимда кўринасан сен.
Меҳринг билан дил қучар
баҳор,
Висолингга муштоқ кўзим
зор.
Ишқ сўзини дил этса такрор,
Хаёлимда кўринасан сен.

Шуҳрат ҚОСИМОВ.

ЎЗИНГ

Таърифи йўқ гулмисан ўзинг,
Қиёсингга сўз тополмадим.
Оташ пуркар қалбимга кўзинг,
Кўзларингга тик боқолмадим.
Боқишингда бир жаҳон маъно,
Гўзалликка сўқмоқ, кипригинг.
Барнолардан ўзган эй барно,
Сеҳрладинг янгроқ куймидинг.
Оҳангингда тебраниб қолдим,
Қўшиқ бўлиб чиқдим йўлингга.
Йўлларингда хаёлга толдим,
Орзу бўлиб кирдинг дилимга.
Таърифи йўқ гулмисан ўзинг,
Сеҳрланган дилмисан ўзинг.

Файзулла ЗИЁДУЛЛАЕВ

Спорт

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Воронеж шаҳридан хушхабар келди. Бу ерда бошланган «А» классн иккинчи группаси командаларининг мусобақасида қатнашаётган Тошкентнинг «Автомобилчи» волейболчилари қизлари мусобақани муваффақиятли бошладилар. Улар биринчи турда майдон эгалари — Воронежнинг «Динамо» командаси билан куч синашдилар. Кескин кураш 3:0 ҳисобида ҳамшаҳарларимиз фойдасига тугади. «Автомобилчи» Фрунзенинг «Буревестник» командасини ҳам шу ҳисобда мағлубиятга учратди. Воронеж шаҳрида мусобақалар январь ойи охирида тугайди. Навбатдаги тур мусобақалари Тошкент, Донецк, Вильнюс ва Олмаота шаҳарларида бўлади.

ҲАРБИЙ ОКРУГ ЧЕМПИОНЛАРИ

Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи боксчилари Самарқанд шаҳрида округ чемпиони бўлиш учун куч синашдилар. Юздан ортиқ «чарм қўлқоп» устаси қатнашган бу мусобақада Н. Степанов, И. Муллаев, Р. Цой, Б. Ниёзов, К. Солиев, Р. Галиуллин, В. Ефимов, М. Ягудаев, В. Ребров, В. Шабельников ва А. Канашкин чемпион номини олдилар.

«ЁШЛИК» МАНЕЖИДА

Тошкентдаги «Ёшлик» манежида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари енгил атлетикачиларининг анъанавий матч мусобақалари бўлиб ўтди. Республикалар терма командалари составида шу йил ёзда СССР халқлари V спартакиадасида қатнашувчи йигит ва қизлар иштирок этдилар.

Команда ҳисобида Қозоғистон спортчилари ғалаба қозонишди.

ЛЕНТАДАГИ ГАПЛАР

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

Қизил духоба қопланган диванда чалқанчасига ётиб сигарета тутатаётган ўн олти-ўн етти ёшлардаги бола бир нима эсига тушди шекилли, сапчиб ўрнидан турди. Гиламга тушган кулни оёғи билан суркаб турганда сочини лайлак уя қилган онаси кириб қолди.

— Вой, вой, бу нимасийди, Ҳусчик, — деди у ўғлининг қулоғидан авайлаб ушлаб, — даданглар кечагина олиб келгандилар-ку...

— Подумаешь, шу ҳам гилам бўптими? Ўнинчини битирай, гиламларни ёғдирвораман...

— Вой, айланиб кетай, Ҳусчиккинамдан, — она унинг қулоқларидан ўпиб қўяди, — яна қаёққа, дарс тайёрламайсан-ми?

— Дарсни классда миямга қуйиб олганман. Болалар билан ўйнаб келаман...

— Кеч қолма, мана буни еб ол, — она япроқланган қази бутербродини ўғлининг оғзига тутади, — пулинг борми?

Бола онаси узатган иккита ўн сўмликни олиб, ғижимлаб чўнтагига тиқади, ликиллаб ўйнаган куйи чиқиб кетади.

Кечки соат ўн, ўн бир бўлади. Соат стрелкаси ўн иккига қадалади. Бирдан ошганда ёлғизгина ўғиллари Ҳусчик-(Ҳусан)ни кута-кута ота-она ухлаб қолишади. Уларни телефон овози чўчитиб, уйғотиб юборади.

— Ҳа, менман, — бўғиқ овоз жавоб беради, — нима гарангмисиз? Турсунбоевман деяпманку! Қайси Ҳожибоев? Шу пайтда телефон қилиш шарт эканми? Нима, ўғлингиз....

Турсунбоевнинг уйқуси ўчиб кетади. Бир қўлида трубка, бир қўлида телефон аппарати, ўғли ётадиган уйга бош суқади:

— Ҳусчик, ҳой Ҳусчик... йўқ, келмабди, — телефонга жавоб беради.

Хотини уйғониб кетади.

— Ҳай дадаси, Ҳусчик келмабдими вой ўлай, қаёкда қолдийкин. Вой дод, қаёкда қолди...

— Ўчир овозингни... Йўқ, сизга эмас... "Қайдайкин, дейсизми. Билмасам. Тўхтангчи, мен ҳозир...

Турсунбоев ўғли бориб юрадиган уч-тўрт жойга телефон қилади. Йўқ, бормабди. Юрагига ғулғула тушади. Милиция идорасидан сўрайди. У ёкдан аёл кишининг овози эшитилади:

— Кечаси тўрт болани олиб келишди. Ичларида Турсунбоев дегани бор. Ўшаниси бошлиқлари экан. Эртага келиб биласиз. Хўп, хайр...

Шу пайт ота-она қай аҳволга тушганини кўз олдингизга келтиринг-а. Улар тонг отгунча «чалажон» бўлиб чиқишди. Турсунбоев нонушта ҳам қилмай чиқиб кетди. Милицияга бориб воқеадан хабардор бўлди.

Кечаси Ҳусчик «бойвачча» ўртоқлари билан ширакайф бўлиб чиқишибди. Улардан бири уйга кетамиз, деган экан, Ҳусчиквой ҳаммани тўхтатибди.

— Юринглар, қизларни қўрқитамиз, — дебди.

Унинг бу таклифи бошқаларга ёқиб тушибди. Йўлтўсарлар дарахт тагида сигарета чекишиб турганда аёл киши ўтиб қолибди.

— Ҳа, жонон, кеч қолибдилар, кузатиб қўяйми? — дебди Ҳусчик.

— Ҳе, бетинг қурсин, — дебди аёл сумкаси билан унинг бошига тушириб, — онанг тенги хотинга суйкалмай ўл...

— Айтмовмидим, кампиршо деб, — хахолаб кулишибди бу ёқдагилар.

Улар Ҳусчикни мазах қилиб кулишиб турганда йўлкани чеккалаб икки қиз ўтиб қолибди.

— Ана булар бошқа нарса, — дея ўн саккизларга кирган сурбетларча уларнинг йўлини тўсади.

Қизлар ўтиб кетишмоқчи бўлади. Ҳусчик келиб бирини, бошқаси иккинчисининг қўлидан маҳкам ушлаб олишади. Қизлар дод солишади, қўйиб юборишмайди. Тўс-тўполон устига фарёдни эшитган икки милиционер етиб келади...

Воқеани эшитиб, Турсунбоев бўшашиб тушади. Бир оғиз сўз айтмай чиқиб кетади. Орадан икки-уч соат ўтар-ўтмас телефонбозлик бошланади.

— Ҳусан Турсунбоев делоси ажратиб қўйилсин...

— Жўра Каримбоев делосини менга юбортиринг-чи...

Милиция ходими ҳайрон.

— Қолган икки делони нима қилай, — деб сўрайди.

— Сизда қолади, яхшилаб текширинглар, — деган жавоб бўлади.

Безориликни тўрт бола қилган. Бошлиқлари Ҳусан Турсунбоев бўлган, гиж-гижлагани Жўра Каримбоев. Қизиқ, уларнинг делоси ажратиб олинди. Орадан ўн беш кун ўтар-ўтмас ўзлари ҳам чиқариб юборилди. Қолган икки бола ҳақида илтимослар, табба-тазарруқ бўлди, аммо ҳеч қаердан телефон қилинмади. Уларнинг иши судга оширилди. Милиция идорасидагилар ажабланишади. Жиноят тўрт бола томонидан содир бўлган, иккитаси бўшатиб юборилди, иккитаси ҳибсда. Нега энди...?»

— Бу ёғига биз жавоб берамиз, — дейди йўғон овоз.

Хўп, майли шундай бўла қолсин. Хўш, шу йўғон овозли кишининг нотўғри ҳатти-ҳаракатига ким жавоб бераркин? ким унинг жиловини тортиб қўяркин?

Ўйлаб кўриш керак.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

Дўсмат ака минбардан ўзида йўқ хурсанд тушди. сабабки, унинг нутқи олти-етти марта қарсаклар билан олқишланган эди. У жойига келиб ўтирганда ҳам ҳаяжони босилмаган, энтикиб нафас оларди.

Ундан кейин тўққиз киши чиқиб сўзлади. Тўққизинчиси якун ясади:

— Дўсмат акамлар бўлмаганларида хўжалигимиз бунчалик юксалмаган бўларди...

— У кишининг доно йўл-йўриқлари бизни юқори поғонага олиб чиқди...

— Мен шу нарсани алоҳида қайд қилишим керакки, Дўсмат Қудратович ажойиб раҳбар бўлибгина қолмай...

— Қадрли ўртоқлар, Дўсмат акамларнинг фазилатларини айтиб адо қилиб бўлмайди, бу ҳаммаларингга маълум ва равшан.

— Ҳурматли Дўсмат акамларнинг бир оғиз сўзлари, ташлаган қадамлари...

Ниҳоят тўққизинчи киши:

— Мен сўзимни қалбимдан отилиб чиққан қуйидаги сўзлар билан якунлайман: Дўсмат Қудратовичга шон-шарафлар бўлсин!!!

Бу гаплардан, мақтовлардан Дўсмат Қудратович сариёғдек эриб, ипакдек мулойим тортиб ўтирардилар. Юзларидаги қизиллик ҳақиққа айланган эди.

Мажлис тугади. Одамлар уй-уйига тарқади.

Кунлар шу зайлда ўтиб борарди. «Қиш бекорчилик», деганларидек чақириқлар, меҳмондорчиликлар авжига чиқиб борарди. Буларнинг ҳаммасида дастурхоннинг тўрисида—Дўсмат Қудратович. Биринчи қадаҳдан тортиб, сўнггисигача у кишининг фазилатлари тилларда достон.

Мақтов одамзод боласини ҳарир бир қобиққа ўраб қўяр экани, Дўсмат Қудратович бора-бора ёнидаги кишига ҳам «а, лаббай, бир нарса дедиларми», мазмунида муомала қиладиган бўлиб қолди. Бир йилда тўрт ой даволанди, дам олди. Ишда бўлган пайтларда ҳам «уни ундоқ қилинглар, буни бундоқ қилинглар», дерди-да, бир чўқим ош буюрарди, кўк чой ичиб, қорнини силаб ётарди.

Шу алпозда олти ой ўтди. Ярим йиллик якуни бултурги ярим йилликнинг чўғидан анча паст эди. Бу Дўсмат Қудратовични ташвишлантирмади.

— Ҳа, энди, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади-да, — деб қўя қолдилар.

Йилнинг якуни ҳам ранги ўчиброқ кўзга кўринди. Дўсмат Қудратовичга пашша чаққандай ҳам таъсир қилмади.

— Энди, бу йил ёмон ишлаган бўлсак, келаси йилга тузатармиз ахир, — дедилар бу гал.

Йўқ, тузатолмадилар. Ундан кейинги йилги натижа аввалгисидан ҳам паст бўлди. Аввалги йили Дўсмат Қудратовичга шон-шарафлар бўлсин, деганлар писиб ўтиришмади, у кишини ким танқид қилса, ўшанинг гапини тасдиқлаб қарсак чалишди. Бу галги мажлисга оппоқ соколли, отахон якун ясади:

— Мақтов оловдек иссиқ нарса, одамзодни эритиб юборади. Олтин ҳам ўтда эрийди, қўлда узук бўлиб ярқираб туради. Эриган нарса қуйилиб, ўз ишини қилмаса, яроқсиз тунука бўлиб қолаверади. Дўсматвой яхши ишлаётганида, мақтовда эриди-ю, қуйилмай қолди-да...

Олтин ўтда одам меҳнатда чиниқади, дейилгани шу экан-да.

С. МАҲКАМОВ.

ТАБИАТ ОЛАМИДА

ОСМОН ТОШЛАРИ

Шарқий Чехия областидаги Сухой Дол қишлоғи аҳолиси ғоят ғаройиб ҳодисанинг шоҳиди бўлди. 1969 йилнинг куз тонгида кучли, гулдираган товуш эшитилди. Реактив самолёт турбиналари овозини эслатарди бу товуш. Сўнг хуштак овози келиб, нимаиндир қаттиқ зарбаси эшитилди.

Ўз боғида олма териб юрган Франтишка Климешова худди шу пайт уй томининг черепицалари синиб, парчалари ҳар ёққа отилиб кетганини кўрди. Қўрқиб кетган уй бекаси қўшни хотин билан секин-аста чордоққа чиқишганда томда каттагина тешикни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолишди. Пастда, черепица парчалари орасида каттагина тош ётарди. Қўл тегизишса, тош қайноқ экан.

Шу куни қишлоқ аҳолиси яқиндаги Полица шаҳарчасида тузилган астрономия тўгараги аъзоларига бу ҳақда хабар беришди. Улар эса ўз навбатида обсерваторияни воқеадан воқиф этишди. Унинг директори В. Мелейнек дарҳол қишлоққа келиб, ҳалиги тошнинг чиндан ҳам метеорит эканига ишонч ҳосил қилди. Осмон тошини суратга олиб, ўлчаб, тортиб кўрди. Метеорит оғирлиги 755 грамм, бўлиниб кетган парчаси эса 60 грамм келди.

Чехословакия Фанлар академиясининг астрономия институти дарҳол метиоритни пухта текширишга киришди.

Ҳамма гап шундаки, осмон тоши ерга тушгандан сўнг бир ҳафта давомида текширилмаса, кейин унинг келиб чиқиши ҳақида маълумот берадиган аргон гази изотопларини ўрганиб бўлмайди. Мутахассислар ҳам, Сухой Дол метеорити фан тарихида ерга тушганидан сўнг дарҳол лабораторияда текширишга улгурилган ягона осмон жисмидир, деб ҳисобламоқдалар.

Умуман, планетамизга ўртача ҳар 15 минутда биттадан метеорит тушиб туради, аммо уларнинг ерга тушаётганини кўриш, парчаларини топиш кишиларга онда-сондагина муяссар бўлади.

Ўтган йилнинг 8 майида соат 8 у 15 минутда Киев областининг Яготин шаҳри аҳолиси ҳам худди шундай камёб мўъжизанинг гувоҳи бўлишди. Каттакон муз парчаси осмондан Артём номли кўчага тушди. Сўнг яшил тусдаги бўлакларга ажралиб кетди.

Бу муз метеоритнинг оғирлиги салкам 15 килограмм бўлиб чиқди. Муз парчаларининг айримлари йиғиб олинди, бошқалари эса тузга ўхшаб оқ доғ қолдириб, эриб кетди. Бу вақтда ҳаво ҳарорати 16 градус бўлиб, шимоли-шарқ томондан секундига бир метр тезликда шамол эсаётган эдики, иссиқ ҳавода ерга каттакон муз парчаси келиб тушиши учун ҳеч асос йўқ эди. Метеорит тушаётганда синиб кетган дарахт ағдарилганидаги сингари овоз эшитилган.

Эриган муз-метеорит текшириб кўрилганда таркибида сувдан ташқари аммиак, углекислота, метан ва бошқа газлар борлиги аниқланди. Музнинг ўзи эса секундига 17 километр тезлик билан ерга тушган бўлиб, у ер шари ҳаракати йўналиши бўйлаб, ғарбдан шарққа томон ҳаракат қилиб бораётган экан.



МОСКВА, СССР Савдо министрлиги шу йил Минск радио заводида тайёрланган «Этюд—603» транзистор радиоприёмнигини ишлаб чиқарилишини тасдиқлади. Суратда: «Этюд—603» транзистор радиоприёмнигининг кўриниши.

МОСКВАдаги холодильниклар ишлаб чиқарувчи завод коллективи янги 1971 йил арафасида янги «Север—8» холодильнигини тайёрлади. Бу йил халқ хўжалигида қўллаш учун қулай бўлган бу янги холодильниклар кўплаб ишлаб чиқарилади. Суратда: «Север—8» холодильниги.

Б. ЕГОРОВ, А. СТУЖИН фотолари, ТАСС.

Реклама ва эълонлар

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОНТОРАСИ

1 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

„БОНИВУР ҚАЛБИ“

(2 СЕРИЯ)

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КИНОТЕАТР ЭКРАНЛАРИГА ЧИҚАРАДИ

ДМИТРИЯ НАГИШКИН романи асосида ишланган. А. ДОВЖЕНКО номли киностудия маҳсулоти.

ФИЛЬМ ҚИЗИҚАРЛИ ФОРМАДА УЗОҚ ШАРҚ КОМСОМОЛЛАРИНИНГ 1918—1922 ЙИЛЛАРДА ЯПОНИЯ-АМЕРИКА ИНТЕРВЕНТЛАРИГА ҚАРШИ ОЛИБ БОРГАН КУРАШИ ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/I да Спартак, 28/I да Травиата.

ҲАМЗА НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/I да Парвона, 28/I да Алишер Навоий.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/I да Паранжи сирлари, 28/I да Ажаб савдолар, 29/I да Нурхон.

Кино

Йўлдаги хоним — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10.20, кундуз 12, 1.40 кеч 7.20 минутларда ва 9 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «МОСКВА», «ВОСТОК», (кундуз ва кечқурун).

Директор (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Шпессартдаги қувноқ даврлар —«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Анупама (2 серия, кундуз соат 1, кеч 6 ва 8.45 минутларда), Ҳаммаси сотилади (эрталаб соат 11, кундуз 4 да) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Тошдаги достон (2 серия, ўзбек тилида, кундуз соат 3 ва кеч 8 да), Тоҳир ва Зуҳра (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва кеч 6 да): — «КЎКЧА».

Икки севги шаҳри—«СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1 ва 3 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

27, 28 ЯНВАРДА

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДАСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА

Солистлардан: Гулшод ОТАБОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Шариф КАРИМОВ, Шариф ҚУРБОНБОЕВ, Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Дилафруз ЖАББОРОВА, Қодир МУМИНОВ, Фахриддин ДУСТМУҲАМЕДОВ, Хотам ҲУЖАЕВ, Аҳмад ШУКУРОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Программани — ҒУЛОМ ТОЖИ-АЪЛОЕВ олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Тошкент қишлоқ хўжалик институти коллективи чорвачилик кафедрасининг ассистенти, биология фанлари кандидати В. Л. Ҳусаиновага отаси

Лутфулла ҲУСАИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

№ А—1674. ИНДЕКС — 64697. Р. 02178.